

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.13863546>

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДАГИ

ИСЛОҲОТЛАР

Жаҳонгиров Бурхон Бўронович

ЎзДЖТСУ

E-mail address: burxon2016@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0006-4267-1197>

Бўронов Ахроржон Бурхон ўғли

ЎзДЖТСУ

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада мамлакатимизда жисмоний маданият ва спорт ишларини ривожлантиришига алоҳида эътибор қаратилганлиги, жисмоний тарбия ва спорт ишлари давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланганлиги, саломатлик даражалари сезиларли тарзда яхшилангани ва спортчиларимизнинг Ўзбекистон шарафини жаҳон спорт майдонларида, Осиё, жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинларида муносаб ҳимоя қилишига қодир бўлган халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлаш бўйича самарали тизимни яратиш, хорижий ҳамкорлар билан ҳамкорликда юқори малакали мураббий ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ҳақида фикр юритилган.

Калим сўзлар: Жисмоний маданият, спорт, давлат, сиёсат, ислоҳот, спорт майдони, малака, Жаҳон чемпионати, Осиё чемпионати, Олимпия ўйинлари, хорижий ҳамкор.

ANNOTATION

In this article, special attention is paid to the development of physical culture and sports in our country, physical culture and sports have become an important area of state policy, the level of health has significantly increased, and the honor of our athletes in world sports arenas, in Asia, at the World Cup and at the Olympic Games. to think about creating an effective system for training international-level athletes capable of adequately defending themselves at the Games, and training highly qualified coaches and teachers in cooperation with foreign partners.

Key words: Physical education, sports, state, politics, reform, sports sphere, qualification, World Championship, Asian Championship, Olympic Games, foreign partner.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақиллигининг эълон қилинганлиги ўзбек халқи ва давлатчилик ининг кўп асрлик тарихида муҳим воқеа бўлди. Айнан мустақиллик туфайли Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очилди. Эришилган миллий мустақиллик Ўзбекистонда сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий ва спорт соҳаларида туб ўзгаришларни амалга оширишни мантиқий равишда кун тартибига қўйди. Бу каби вазифаларни ҳал этишда давлат раҳбари ва хукумат томонидан қатор Қонун ва Қарорлар қабул қилиниб ва кўплаб Фармонлар чиқарилди. Жумладан, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонун, (1992, 2000, 2015 йиллар), шунингдек биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг 2000 йилда “Ўзбекистонда “Уч босқичли” (“Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада”) мусобақалар тизимини жорий этиш тўғрисида” ги Қарори асосида мамлакатимизда таълим муассасалари ўртасида ҳар икки йилда уч досқичли спорт мусобақалари ўтказилиб келинди. [1]

2002 йил 24 октябрда Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги, Фармони, “Қишлоқ жойлардаги болалар спорти обьектларида банд бўлган аёл

спорт устозлари мөхнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2003 йил 3 июндаги “Ўқувчи талаба-ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 244-сонли Қарори ва 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришда муҳим дастур бўлиб хизмат қилиб спортни оммавийлашиҳсига катта ўрин эгаллади. [2]

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** 2006 йил Ўзбекистон Ногиронлар Спорт Ассоциацияси Халқаро Паралимпия Кўмитасига аъзо бўлди ва Ўзбекистон Миллий Паралимпия Кўмитаси сифатида дунё миқиёсида тан олинди. Бу эса, ўз навбатида, ногирон спортчиларга катта имкониятларга йўл очиб берди. Ассоциация ташкил қилингандан кейин бир қатор Спартакиада, Чемпионатлар, Биринчиликлар, ўртоқлик учрашувлари ва тадбирлар ўтказиб келинмоқда. [3]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 февралдаги “2016 йил Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари ҳамда XV Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш тўғрисида” ги ПҚ-1923 сонли Қарори йтўғ ри бажарилгани сабаб Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шахрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари ҳамда XІV Паралимпия ўйинларида Юртимиз спортчилари 13 та медал улардан 4 олтин билан умунижамоа ҳисобида 21-ўрин эгаллаган бўлса, параолимпиячиларимиз томонидан 31 та медал улардан 8 таси олтин медал билан 17-ўринни эгаллашди. [4]

Кейинги йилларда кенг кўламдаги иқтисодий, ижтимоий, майший, тиббий ва бошқа чора-тадбирларни изчил жорий этиш, болалар спортини тизимли асосда ривожлантириш бўйича амалга оширган ишларимиз натижасида бугунги кунга келиб спорт билан шуғулланадиган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларимиз ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекциялар билан

касалланиш 47,3 фоизга, пневмония бўйича 55,6, бронхит бўйича 61,7, сколиоз бўйича 45,5 фоизга камайгани биз эришган энг муҳим натижада сифатида албатта барчамизни қувонтиради. Бундай ижобий ўзгаришларни ҳар қайси ота-она ўз оиласи, ўз фарзандлари мисолида кўриб, спортнинг бу борадаги таъсири ва аҳамиятини тобора чуқур англаб етмоқда. [5]

2015 йил 4 сентябрда янги қабул қилинган “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ти Қонуннинг қабул қилиниши ҳамда мазкур қонунда жисмоний тарбия ва спортнинг барча жабҳалари қамраб олингандиги соҳанинг ҳукуқий асослари ривожланишини белгилаб бериш билан бирга, ёшларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш, болалар спорти обьектлари учун юқори малакали, профессионал кадрларни тайёрлашда муҳим омил бўлиб келмокда. [6]

-Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 марта “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ти ПҚ-2821 сонли, 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш тўғрисида”ти ПҚ-3031-сонли қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 майдаги “Ўзбекистоан давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти 331-сонли қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 январдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти 6-сонли қарорлари, 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-4881-сонли қарорлари, 2021-йил 5-ноябрдаги “Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва «workout» спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-5282-сон Қарорлари Ўзбекистонда спортни ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда.[7]

2020 йилда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш керак. Бу борада худудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз учун янги оммавий спорт объектларини қуриш зарур. Бу йил 269 та футбол, волейбол, баскетбол ва бадминтон майдонлари, 178 та бокс, кураш, фитнес ва гимнастика спорт заллари, 32 та теннис корти қуриш бўйича салкам 500 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилади. Ёшлар орасида иқтидорли спортчиларни селекция қилишнинг “ташкилот - туман (шаҳар) – худуд – республика” босқичларидан иборат тўрт босқичли тизим жорий этилди.

2020-йилнинг март ойида ХОҚ Ижроия кенгаши Олимпия ўйинларида гендер тенглиги сиёсатини давом эттириб, Ўйинларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари баённомасига ўзgartиришларни тасдиқлади, унга кўра Миллий олимпия қўмиталари бир эркак ва бир аёлни байроқдор деб эълон қилиш имкониятига эга бўлди.

2021 йил 6 апрелдаги Президент Шавкат Мирзиёев “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонини имзолади. Фармонга мувофиқ, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси негизида Туризм ва спорт вазирлиги ташкил этилди. 2021 йил Токиода бўлиб ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз муносиб иштирок этиши учун ҳукумат ва Миллий олимпия қўмитаси барча шароитларни яратдилар. [8]

Япониянинг Токио шаҳрида 2021 йил 23 июлдан 8 августргача бўлиб ўтган Токио - 2020 олимпиадаси якунига кўра, спортчиларимиз 17 та спорт туридан қатнашиб ўзбекистонлик спортчилар 5 та медал соҳиби бўлишиди: Зта "олтин" ва 2та "бронза". Ўзбекистон жамоаси учун ушбу Ўйинлар муваффақиятлилик бўйича Риодан сўнг (13та медал) иккинчи ўринни эгаллади. Лекин бу сафарги натижа ҳам мақтаса арзигулик: жамоа собиқ Иттифоқ бўйича 2-ўрин, Марказий Осиё ва туркий тилли давлатлар орасида 1-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябр куни “ 2024 йил Париж шаҳрида(Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида” ги ПҚ - 5281 сонли Қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 201-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил етилган “Беш ташаббус Олимпиадаси” шиори остидаги мусобақаларнинг биринчи фасли ҳам ўз поёнига етди.

Беллашувлар ўз номига яраша беш босқичда ташкил этилди. Маҳалладаги мусобақалар орқали старт олган оммавий спорт тадбирларида республикамизнинг 3 100 000 нафардан зиёд 16 ёшдан 30 ёшгacha бўлган ўғилқизлар ўз имкониятларини синовдан ўтказиши. Мусобақаларнинг Республика босқичларида эса (А, Б, С лигалар бўйича) 5,5 минг нафарга яқин иштирокчи ғолиблик учун баҳс олиб бориши. 15 июндан бошлаб мусобақанинг Республика босқичига старт берилди. Ҳал қилувчи беллашувлар мамлакатимизнинг деярли барча худудларида юқори савияда ташкил этилди.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижаларини Ўзбекистонлик спортчиларнинг жаҳон ареналарида қўлга киритаётган натижаларидан билсак ҳам бўлади. Ўзбекистон спорт делегацияси ўйинларни тарихий натижа билан, 206 мамлакат орасида 13-уринда якунлади. Бу – Осиё қитъасидаги тўртинчи, постсовет макони, ислом олами ва туркий дунё миқёсида эса энг яхши натижа. Ўзбекистон ҳисобидаги 13 та медалдан иборат жамғарма таркиби – 8 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронздан иборат бўлди. [9]

Ўзбекистон делегацияси ушбу Паралимпия баҳсларида **26 та медалга** эга чиқди. **10 та олтин, 9 та кумуш ва 7 та бронза** медални қўлга киритган паралимпиячилар умумжамоа ҳисобида **13-уринни қайд** этди. Ушбу натижа ҳам улар учун тарихдаги энг яхшиси ҳисобланади. Шунингдек, **Осиёда учинчи, МДХ, Марказий Осиё минтақаси, Ислом бирдамлиги ва Туркий**

давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар орасида **биринчи ўринни эгаллади.** [10]

- **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).**

Бугун мамлакатимизда жисмоний маданият ва спорт ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жисмоний тарбия ва спорт ишлари давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Унинг юксалиб бораётган ўрни ва аҳамиятини ёшлар қалби ва онгига сингдириш, юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қиласидан жисмонан соғлом, билимли ва юксак маънавиятли баркамол авлодни тарбиялаш бугунги кунда олдимизда турган энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015й., 47-сон, 595-модда. “Олий маҳорат спорт мактабларини ташкил этиш тўғрисида”ги 2438-сонли қарори. 2015 йил 23 ноябр
2. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан илмий - техникавий алоқалари. Academic research in educational sciences.Issn 2181-1385 volume 3, issue.5 май, 2022.-Б.1059
3. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан илми-техникавий алоқалари. Ўтмишга назар журнали. 2021. 2-сон.-Б.16
4. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан илмий–техникавий ҳамкорлиги (илмий-тадқиқот институтлари мисолида) //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 5-2. –Б. 824.
- 5.bЖаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг Япония билан илми-техникавий алоқалари. Academic research in educational science volume 2 | special issue 1 | 2021 /01; -Б.316.
6. Жаҳонгиров Б.Б. Международные связи Узбекистана в области науки. International scientific and practical conference. The time of scientific progress, Warsawa, Polsha, 05.11.2022. Session1, Part 3. – С.20.
7. Аллексеев В.А. Международное спортивное право. - М.: 2008.
8. Халқ сўзи газетаси. 07.04.2021
9. Янги Ўзбекистон газетаси.12.08.2024
10. Янги Ўзбекистон газетаси.09.09.2024